



Савол:

Агар мен аёл олганимдан кейин ислом шариатларини тўлик (ёки) килмаса. Лекин, мусулмонман деб тан олса. У аёл билан яшашим жоизми? Ёки бир аёлнинг эри шундай бўлса?

Жавоб:

Эркак кишига аёли муслима бўлиб унинг баъзи гуноҳ ва хатолари бўлса ҳам у билан яшайвериши жойиз.

Шунингдек аёл кишига ҳам эри билан у мусулмон бўлиб баъзи гуноҳлари бўлсада яшайвериши мумкин. Улар бир бирларини ҳаққа ва сабрга чақиришлари ҳамда бир-бирларига насихат килмоклари керак.

Эр ёки хотин ислом шариатига тўла амал килмаса ва мен мусулмонман деса ундан бундай ислом қабул қилинмайди. Чунки, ислом тил билан айтиш, қалб билан эътиқод қилиш ва аъзолар билан бажаришдир. Шу уч нарса жамлансагина ислом тўла бўлади. Эр ёки хотин шу уч нарсадан бирига доимий равишда амал килмаса, эр бундай хотин билан, хотин эса бундай эр билан яшаши мумкин эмас. Валлоху аълам.